

ВАТАН МУҲАББАТИ ИЛА ЮРТЛАР ОБОД БЎЛУР

Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР ҳазратлари билан суҳбат

— Ассалому алайкум! Муфтий ҳазратлари, қимматли вақтингизни ажратиб, тақлимизга розилик билдирганингиз учун ташаккур. Ватан ўзи нима эканини халқона, содда тилда, диний-маърифий, ижтимоий жиҳатдан талқин қилиб бергансиз. Суҳбатимиз аввалида шу мавзуга мухтасар тўхталиб ўтсак.

— Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Ваалайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва бааракотуҳ! Ватан ҳақида гап кетганда, кишини беихтиёр ҳаяжон қамрайди. Чунки кенгрок оладиган бўлсак, ҳазрати Одам алайҳиссалом биринчи қадам қўйган тупроқ, зурриятлари то қиёматга қадар истиқомат қилувчи муътабар заминимиз бизга маскан қилиб берилган. Хосроқ қилиб айтганда эса, киндик қонимиз тўқилган ва бир умр яшайдиган юртимиз бизга тақдир қилинган ватанимиздир.

Айниқса, хизмат тақозоси билан хориж сафарларида юрган чоғларда юрт соғинчини, она Ватан тафтини ҳис қилмайдиган инсон бўлмас керак. Мусофир бўлмагунча ватан ва юрт қадр-қиммати англаб бўлмайди, дейишади. Худди балиқ сув билан ҳаёт бўлганидек, одам ҳам ватани, миллати билан қадрлидир.

Ояти қаримада бундай келади: «(Эй Мухаммад!) Албатта, Сизга (ушбу) Қуръонни фарз қилган Зот, шак-шубҳасиз, Сизни қайтиш жойига (Маккага) қайтарувчидир...» (Қасас сураси, 85-оят). Тафсилларда келтирилишича, бу оят Макка билан Мадина орасидаги Жужфа деган жойда — Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзи ва ота-боболари туғилган жойга муштоқ бўлган вақтларида нозил бўлган. Зеро, Пайғамбаримиз алайҳиссалом Ватанларидан чиқиб кетишни хохламадилар. Макка мушрикларининг у зотга зулмлари ҳаддан ошгандан сўнггина Аллоҳнинг изни ва қўрсатмаси билан ундан чиқиб кетдилар. Чиқиш вақти келганида кўзга ёш олдилар, кўнглилар бўшашиб кетдиган сўзлар айтдилар: «Макка, сендан кўра менга сеvimлироқ шаҳар йўқ. Агар қавмим сени ташлаб чиқишимга мажбур қилмаганида асло сендан бошқа жойни макон тутмасдим», дедилар (Имом Термизий ривояти).

— **Машҳур қондада айтилганидек, бир нарсани билмаслик ё кўрмаслик ўша нарсанинг йўқлигига далил бўлмайди. Айтмоқчиманки, баъзи кимсалар Ватан ҳақида сўз очилиши билан истеҳзоли қилишади ё энсаларини қотиришади. Ҳатто туғилиб ўсган жойга нисбатан муҳаббат бўлишини инкор этишади. Холбуки, бу туйғунинг уларида бўлмаслиги унинг умуман йўқлигини билдирмайди. Шундай эмасми, ҳазрат?**

— Бугунги кунда шу масала ўта долзарб. Чунки ким Ватан нима эканини яхши англаб етмас экан, унинг Ватанда яшашидан ҳеч бир маъно йўқ. Шу ўринда замондош олимлардан бири айтган фикрни келтириб ўтсак: «Бугунги кунда бўлаётган тўс-тўполон, уруш-жанжаллар, ноҳақ қон тўқилиши, нотинчлик ҳамда обод жойларнинг вайрон этилишидаги энг катта сабаб одамларда ватанпарварлик ҳисси етишмаслиги, ўзгалар ватанини ҳурмат қилмаслиқидир». Шу ўринда ҳазрати Умар розияллоҳу анхунинг гапларини эслайлик: «Аллоҳ таоло юртларни Ватан муҳаббати ила обод қилур».

Муҳаббатни пайдо қилиш учун, аввало, хоҳиш ва ирода бўлиши ва уни яхши, деб баҳолаётган оладиган салоҳиат ҳам керак. Шунинг учун Ватанга муҳаббат тилда эмас, амалда кўринадиган ишлар сирасидан. Масалан, киши ўз уйини, оиласини, яқинларини яхши кўрадими? Оила ҳам мўъжаз бир ватан-да. Кимда янглиш тушунча бўлса, Ватанга шу зайлда қарасин. Энг яқинидан бошлаб, диндош, миллатдошларига қадар ўйласса, кифоя. Ватанга муҳаббатни бор-йўқлигини ўзи билиб олади.

Хужжатли ислом Шайх Мухаммад Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳ бундай деганлар: «Башариёт ўз эрини ундаги нарсалари билан, гарчи у ҳеч ким яшамайдиган чўл бўлса ҳам яхши кўраверади. Ватанини севиш — юракка сингиб кетган, инсонни унда бўлганида хотиржам, йироқ кетганида талпинадиган, ҳужум қилинганда асрайдиган ва камситилганида ғазабланидиган қилиб қўювчи туйғудир».

Далилга эга бўлмаган ёт гоълар гирдобига тушиб қолиб, Ватанга, халқига, оиласига, керак бўлса, ота-онасига қарши чиқаётган, ҳозирги замон таъбири билан айтганда, ватанфурушлик қилаётган ғаламислар борлиги эса, ачинарлик.

— **Юртимизда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Мамлакатимизда — Янги Ўзбекистонда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарликларида барча соҳалар қатори диний-маърифий йўналишда амалга оширилаётган хайрли ташаббуслар, эзгу ишлар эътироф ва таҳсинга лойиқ.

Тараққиётимизнинг янги даврида инсонларнинг эътиқод эркинлигини таъминлаш халқимизни маънан юксалтириш ва илм-маърифатли авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда. Айниқса, мўмин-муслмонларимиз ибодатларини эмин-эркин адо этишлари учун барча шароитлар яратилди, мамлакатимиз бўйлаб юз-



Суратда: Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бунёд этилаётган Ислам цивилизацияси маркази биноси.

лаб масжидлар очилди. Қуръони қарим курслари фаолият юритмоқда. Ҳаж квотаси 3 баробар оширилди, умра зиёратчилари бир неча юз минг ташкил этмоқда. Натيجида қариб 800 минг мўмин-муслмонларимиз ҳаж ва умра ибодатларини амалга ошириш бахтига эришдилар.

Диний таълим тизимининг ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда 4 та олий, 10 та ўрта махсус ислом таълим муассасаси, жумладан, 2 та аёллар мадрасаси ёшларга илм-маърифат бермоқда. Дунёвий ва диний билимларни уйғунлаштириш, диний соҳада кадрларни тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди.

Ислам дини ривожига улкан ҳисса қўшган мутафаккирлар меросини илмий ўрганиш, замонавий таҳдидларнинг гоъий асосларини тадқиқ этиш йўлида Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мотуридид, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари жадал фаолият кўрсата бошлади.

Давлатимиз раҳбари улкан ва ноёб лойиҳа — Ислам цивилизацияси маркази биноси курилиши билан танишиш ҳаётида дин ар-боблари, зиёлилар, олимлар, меъморлар билан суҳбатлашар экан, мазкур иморатни буюқ ажодларимиз заковати, халқимиз маънавий салохиятига мос қилиб барпо этиш, уни ёшлар учун улкан тарбия мактаби, сайёҳлар учун табаруқ қадамжого айлантириш кераклигини таъкидладилар.

— **Имом-хатиблик масъулияти ва уларнинг халқ билан мулоқот йўналишида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Аллоҳ таоло Қуръони қаримда: «Аллоҳ ўз ичларидан Аллоҳнинг оятларини ўқиб берадиган, уларни (ширк ва гуноҳлардан) поклайдиган ҳамда уларга Китоб ва Ҳикматни таълим берадиган Пайғамбарни юбориш билан мўминларга инъом этди» (Оли Имрон сураси, 164-оят), деб марҳамат қилган.

Оятда келтирилган вазифани Пайғамбаримиз Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам шараф билан бекаму куст адо этдилар. Рисолат ва нубувват эшиклари ёпилгач, бу масъулият навбати билан саҳобалар, тобеинлар, табаа тобеинлар, солих салафлар зиммасига тушди. Бугунги кунда бу вазифани, ҳадиси шарифга мувофиқ, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг меросхўрлари бўлмиш уламолар давом эттирмоқдалар.

Ўзбекистон муслмонлари идораси тизимида фаолият юритаётган имом-хатибларнинг малакалари ҳам ошириб борилмоқда. Айниқса, халқимиз билан жиспчилиги янада ортиши учун улар оилаларга кириб боришмоқда. Ҳафтанинг ҳар чоршанбаси Диний идорадан тортиб вакилликлар, мамлакатимиздаги барча худудларда «Фуқаролар қабули кўни» этиб белгиланган. Имом-хатибларимиз ҳар бир мураккаб вазиятни тинглаб, кишиларга зарур тавсиялар, йўл-йўриқлар бериб, имкон қадар моддий-маънавий жиҳатдан ҳам кўмаклашиб келаётир.

Диний соҳа ходимларининг ҳар хайрли ишлари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васал-

ламнинг қуйидаги ҳадисларига ҳамоҳангдир: «Ким бир мўминдан бу дунё машаққатларидан бирини аритса, Аллоҳ ундан қиёмат кунининг машаққатларидан бирини арилади». Ким бир камбағалнинг ишини енгиллатса, Аллоҳ бу дунё-ю охирадта унинг ишларини енгиллатди. Ким бир муслмоннинг айбини беркитса, Аллоҳ бу дунё-ю охирадта унинг айбини беркитди. Модомки, банд биродарининг ёрдамида экан, Аллоҳ ҳам унинг ёрдамида бўлади» (Имом Муслим, Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

— **Яқинда Ўзбекистон муслмонлари идораси Уламолар кенгашининг муурожаати эълон қилинди. Унда асосан ижтимоий ҳимоя ҳақида гап кетган. «Ўзи тўқ бўлиб, қўшниси оч қолган одам мўмин эмас», деган ҳадиси шарифга мувофиқ динимиз таълимотида ижтимоий ҳимоя, ижтимоий адолат жуда муҳим ўрин тутди. Ҳақиқатан, бу борада диний соҳа ходимларининг ўрни ва хизмати каттадир...**

— Аллоҳ таоло Қуръони қаримда эҳсон қилувчиларни мақтаб бундай деган: «Рабингиздан (бўлувчи) мағфиратга ва кенглиги осмонлару Ерда тенг, тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннат сари (солиҳ амаллар қилиш билан) шошилингиз! Улар (мазкур тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам хайр-садақа қиладиган, ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар» (Оли Имрон сураси, 133-134-оятлар).

Шу оятларни ўқиган ҳазрати Усмон ибн Аффон, Абдураҳмон ибн Авф розияллоҳу анхумо каби саҳобалар бутун борлигини, бисотини Аллоҳ йўлида мўмин-муслмонлар учун, эл-юрт учун, Ватан учун сарфлаб юборишган.

Аллоҳга шукрки, гўзал дийоримизда ҳар тонгни тинчлик, хотиржамлик билан қарши олмақдамиз. Бу юртда инсон азиз, унинг қадр юксак экани ўзининг ҳаётий ифодасини топаётганини кўраймиз. Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар, ногиронлиги бўлган инсонлар, камбағал оилаларга доимий ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.

Ислам динида муҳтожларга ёрдам бериш, жисмоний имконияти чекланган инсонларга меҳр-муруват кўрсатиш, мискин ва бечоралар ҳолидан хабар олиш энг савобли амаллардан ҳисобланади. Муборак динимиз хайр-саховатга буюрар экан, уни ўз ўрнига сарфлашга амр этади. Муҳтожлар ҳақида хиёнат қилиш эса оғир гуноҳ саналади.

— **Ҳазрат, Диний идора ҳузуринда ташкил этилган Фатво маркази қўшни республикалар, Миср, Туркия каби давлатлар фатво марказлари билан ҳам ҳамкорлик ўрнатган экан. Шу ҳусусда ҳам маълумот берсангиз.**

— Ўзбекистон муслмонлари учун барча шаръий масалалар юзасидан фатволар чиқариш, аҳолининг диний саволларига жавоб бериш, одамлар ўртасидаги диний масалалар бўйича ҳукмларни баён қилиш мақсадида 2022

йили Ўзбекистон муслмонлари идораси қoшида Марказий Осиёда ягона бўлган Фатво марказини ташкил этдик.

Фатво марказимиз қўшни республикалар, Туркий давлатлар ҳамда Миср фатво марказлари билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйган.

Марказнинг биргина ўтган йили фаолиятига назар ташласак, 255 мингдан ортик саволларга жавоблар тайёрланиб, «Колл-марказ» орқали 243 мингдан ортик саволларга жавоб берилди. Бевосита муурожаат қилган фуқаролар сони 12 мингга яқин экан.

Шу пайтгача Фатво маркази уламолари томонидан «Фатволар тўплами»нинг икки жузи, «Фикҳ ва ақидага оид иҳтилофли масалалар ечими», «Қўрбонликка оид фатволар» ва «Рў-

зага оид фатволар» номли китоблар нашр этилди. Аллоҳнинг инояти билан амалга оширилган ишларимиздан мақсадимиз ягона — Ҳақнинг ва халқнинг розилигини топишдир.

— **Муфтий ҳазратлари, мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур. Келгусидаги фаолиятингизга улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз. Саломат бўлинг!**

Толибжон НИЗОМ суҳбатлашди.

Манба: «Vatan» журналининг 2025 йилдаги 1-сон



Шайх Нуриддин Холиқназаров: ЭНГ ГЎЗАЛ ДУО — ВАТАНГА МУҲАББАТ ИЛА ҚИЛИНГАН НИЯТДИР

Қуйида Шайх Нуриддин Холиқназаровнинг Ватан, юрт ҳақида қилинган гўзал тилақларидан бирини — Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида 2025 йил 25 март кўни Тошкент шаҳрида ўтган ифторликда Аллоҳ таолодан бутун дунёда тинчлик, юртимизда фаровонлик, меҳр-оқибат барқарор бўлишини сўраб қилинган дуоларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Аллоҳим, ўзининг ваъданг бор: — Адолатли раҳбарнинг халқи учун қилган дуоси, шубҳасиз, қабул бўлади. — Халқини севаган мўмин-муслмон, азизларнинг дуоси, шубҳасиз, қабул бўлади. Аллоҳим, юрт, халқ учун қилинаётган ҳар бир ишда Ўзинг мададкор бўлгин!

«Ishonch»нинг YouTube даги саҳифасида кўринг!



АЪЗОЛАР ҲИМОЯСИ – ФАОЛИЯТИМИЗ АСОСИ

ТАЪЛИМ

МИННАТДОРЛИК



Равшан БЕДИЛОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Халқимизда «Нажот – таълимда», деган гап бор ва бу аниқ ҳақиқатдир. Зотан, мамлакат таълимсиз ривожлана олмаслигини бугун барчамиз жуда яхши биламиз. Шу маънода гапирадиган бўлсак, муҳтарам Президентимиз томонидан ўртага ташланган улуғ ташаббус – Янги Ўзбекистон гоёси асосида аниқ омил муҳим ўрин тутди. Хусусан, янги тахрирдаги Конституцияда илк бор ўқитувчи мақоми алоҳида белгиланди. «Таълим тўғрисида»ги, «Педагогнинг мақоми тўғрисида»ги қонунлар, соҳа ходимларининг жамиятдаги нуфузи ва мақоми оширишга қаратилган қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Республикаимизнинг ҳар бир ҳудудида янги-янги боғчалар, мактаб ва олий ўқув юртлири барпо этиляпти. Мактабга таълимда қамров 76 фоиз, олий таълимда эса 39 фоиздан ошди. Буларнинг барчасини фикримиз исботи сифатида қайд эта оламиз.

Эзу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, бугун педагогларга талаб ортиб борапти, таълим муассасаларининг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланяпти. Дарслик ва ўқув-қўлланмаларнинг янги авлоди яратилмоқда. Бу жараёнларда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда меҳнат муҳофазаси, ҳуқуқ ва манфаатларини тизимли ҳимоя қилиб келмоқда. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда: «*Ўз олдимишга қўйган улкан ва эзу вазифаларни амалга ошириш, «Эл азиз, инсон азиз» деган олижаноб гоёни юртимиздаги ҳар бир корхона ва ташкилотда қарор топтириш, меҳнатни фаровонлик ва бахт манбаига айлантириш қўл жихатдан касаба уюшмалари ва уларнинг самарали фаолиятига ҳам боғлиқдир.*

Бугун таълим ҳамда фан соҳасидаги 18 минг 551 та ташкилот ва муассасада 1 миллион 900 нафардан ортиқ касаба уюшмаси аъзоси фаолият юритмоқда. Бу тузилмаларнинг 18 минг 189 таси мактаб, мактабгача таълим, мактабдан ташқари таълим ташкилотларида, 275 таси профессионал ҳамда касб-хунар мактабларида, 87 таси олий таълим даргоҳларида ташкил этилган.

Касаба уюшмаси фаолиятини тарғиб қилиш натижасида ўтган йили 324 та ташкилот ва муассасада бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тузилиб, аъзолар сони 112 минг 508 нафарга ордиди. Қўмита раислари 18 минг 524 та бошланғич касаба уюшма ташкилотидида жамоатчилик асосида, 27 тасида асосий ишдан озод этилган ва ҳақ тўланадиган аппаратга эга бўлган ҳолда фаолият оқиб боришмоқда.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида 209 та туман (шаҳар) кенгаши, битта бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси ва Тошкент шаҳар кенгаши фаолият юритмоқда.

МОЗИЙГА ҚАЙТИБ...

Юртимиздаги илк таълим соҳаси ходимларининг касабачилик фаолияти 1917 йилларга тўғри келади. Маълумотларга таянадиган бўлсак, Тошкент ўқитувчилар иттифоқи кенгаши 1918 йил 17 сентябрда ўзининг Платформаси, Декларацияси ва Устави лойиҳасини Туркистон ўлкаси Халқ таълими комиссариатига юборди. 1919 йилда Маориф ходимлари касаба уюшмаси тузилиб, 1921 йилда унинг таркибидида Илмий ходимлар секцияси ташкил этилди. 1934 йилнинг сентябрыда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Маориф ходимлари касаба уюшмаси 8 та уюшмага бўлинади. Таълим соҳаси ходимларига хизмат кўрсатувчи Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси бошланғич ва ўрта мактаб ходимлари касаба уюшмаси билан биргаликда Олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба уюшмаси Марказий бошқармаси ташкил этилди.

1956 йилдан бошлаб, қўриқдаги икита касаба уюшмаси республика Маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба уюшмасига бир-

лашади. 1986 йилдан ташкилот республика Фан ва халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси сифатида иш олиб боради.

Мамлакатимиз мустақилликка эришиш арафасида, яъни 1991 йил 13 мартда Ўзбекистон жумҳурияти халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Қурултойи бўлиб ўтади ва ташкилот шу ном остида фаолиятини давом эттиради.

1995 йил 28 январда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг I таъси Қурултойи, 1999 йил 16 декабрда II Қурултойи, 2005 йил 16 мартда III Қурултойи, 2010 йил 12 августда IV Қурултойи бўлиб ўтган.

2011-2020 йилларда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси сифатида таълим соҳаси ходимлари билан биргаликда маданият, спорт ва туризм соҳаси ходимларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб келди.

1919 йилда кам сонли аъзолар билан иш бошлаган Маориф ходимлари касаба уюшмаси оранд 100 йилдан ортиқ вақт ўтиб, ўз сафига қарийб 2 миллион нафарга яқин аъзоларни бирлаштири олган Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасига айланди.

ФАОЛИЯТГА НАЗАР

2020 йил 26 августда ўтказилган Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг V Қурултойида ташкилот келгуси беш йилда бажариши лозим бўлган вазифаларнинг устувор йўналишлари белгиланган эди. Унга қўра, ўтган вақт давомида ходимлар манфаатларини таъминлаш бўйича қатор ташаббуслар амалга оширилди.

Хусусан, санаторийларда 102 минг нафардан зиёд ходимнинг саломатлиги тикланди. Эгаи мавсумда ходимлар фарзандларининг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида 100 минг нафардан зиёд болалар оромгоҳларда дам олдирилди.

Турли маданий-маърифий тадбирларга 221,8 миллиард, спорт мусобақалари учун 63,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Фаол аъзоларни рағбатлантиришга 39,5 миллиард, ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларни қўллаб-қувватлашга 128,8 миллиард сўм ёрдам ажратилди. 120 минг нафарга яқин мактабгача, мактаб, касб-хунар ва олий таълим соҳалари ходимларининг Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари ҳамда Тошкентга саёхатлари уюштирилди.

Вазирлик ва идоралар билан самарали ҳамкорлик натижаси ўлароқ, 115 нафар касаба уюшмаси фаоли «Халқ таълими аълочили» ва «Халқ таълими фидойиси» кўрак нишонлари билан тақдирланди.

Жисмоний ва юридик шахслар мувожаатлари Республика кенгашининг телеграм-боти ҳамда «Ишонч телефони» орқали қабул қилинмоқда. Шу тариха соҳа вакилларини ўйлантираётган муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишга эришилмоқда. Хусусан, ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича киритилган 95 та тақдимнома ижобий ечим топди. 3 552 нафар педагогнинг ҳуқуқлари тикланиб, уларга иш ҳақи ва бошқа тўловлар ундириб берилишига эришилди.

Ижтимоий-меҳнат муносабатларига оид масалалар юзасидан 100 дан ортиқ тушунтириш, қўнунчиликни такомиллаштириш бўйича 40 га яқин тақлиф берилди. Ҳуқуқий маданиятни ошириш масалаларида қатор давра суҳбати ва семинарлар ташкил этилди. 366 та ҳужжат ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, судларга киритилган 24 та даъво-ариза қаноатлантирилди.

Мактабгача ва мактаб таълими, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ходимлар ва иш берувчилар ўртасида юзага келадиган жамоавий меҳнат низоларини мунтазам ҳал этиб бориш мақсадида Республика меҳнат арбитражи ташкил этилди.

Ижтимоий шерик вазирликлар билан имзолан-

ган Тармоқ келишувларининг бажарилиши ҳар йил якунида муҳокама қилиниб, ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояланмоқда.

Касаба уюшмалари тизимидаги устозлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш орқали жамиятда ўқитувчи-педагог касбига бўлган ҳурматни оширишга эришилаётгани ҳам қувонарли. Жумладан, 2021 йилда Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда Мустақилликнинг ўттиз йиллиги муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси мукофоти лауреати республика кўрик-танлови ўтказилди. Айтиш лозимки, мазкур танлов иқтидорли ва истеъдодли ёшларни тарбиялаётган муаллимларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг касаба уюшмалари фаолиятидаги ўрни ва ролини оширишга хизмат қилди.

Уша йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ёшларда юрт тараққиёти, эртанги куни ва истиқболга дахлдорлик туйғусини юксалтириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда «Менинг Президентим» ижодий ишлар танловини ўтказди. Янгича форматда, 10-11-синф ўқувчилари ўртасида ташкил этилган мазкур танлов тарихий ислохотлар йигит-қизлар тафаккури ва қалбида қандай акс-садо бераётганини аниқлаш имконини берди.

2022 йилда бакалавр таълим йўналиши талабалари ўртасида «**Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз кўлларимиз билан бунёд этамиз!**» шiori остида республика эсселар танлови ўтказилди. Аҳамиятли жиҳати, ижодий ишлар рус, инглиз тилларида ҳам тақдим этилди. Бу эса, миллидан қатъи назар, ҳар бир ёш шув азиз Ватанга бекиёс меҳр билан униб-ўсаётганини яна бир бор аниқлади.

Қолаверса, ўша йили 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари кун муносабати билан ўқувчилар ўртасида «**Ёш китобхон**» танлови ўтказилди. Шу жараёнда ёшларни касаба уюшмасининг мақсади, вазифаси ва фаолияти билан яқиндан таништиришга оид савол-жавоблар ҳам олиб борилди.

Кейинги йилларда аянбага айланган «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида ташкил этилган «**Соғлом танда – сифатли таълим**» спорт мусобақаларига умумтаълим мактабларининг 210 минг нафардан зиёд ходимлари жалб этилди.

Қайд этиш жоиз, бугун халққаро ва қўшни давлатларнинг турдош касаба уюшмалари билан алоқалар мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси 2017 йилдан буён ўз таркибига 132 та касаба уюшмасини бирлаштирган Таълим касаба уюшмаси Европа қўмитасининг аъзоси ҳисобланиб, йилги ишларда мунтазам иштирок этиб келади.

2023 йил 11-15 сентябрь кунлари Таълим касаба уюшмаси Европа қўмитаси президенти Сьюзен Флоренс юртимизга таширф буюрди. У беш кунлик сафари давомида пойтахтимиз, Самарқанд ва Бухородаги таълим муассасаларида бўлди. Педагоглар учун яратилган шароитлар билан танишиб, ижобий фикрлар билдирди.

Ўтган йили 16-17 апрель кунлари Бухоро шаҳрида Халққаро Меҳнат Ташкилоти билан ҳамкорликда «Меҳнат соҳасида зўравонлик ва тегажогликка барҳам бериш тўғрисида»ги конвенция масаласига бағишланган халққаро семинар ташкил этилди. Унда Қозоғистон, Тожикистон ва Озарбайжон турдош касаба уюшмаси вакиллари қатнашдилар.

Хабарингиз бор, аниқ кунларда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги ташкилотларда ҳисобот-сайловлар қизгин кечмоқда. Бугунга қадар 16 640 та (89,7 фоиз) ташкилотда мазкур тадбирлар белгиланган тартибда ўтказилди. Уларнинг 355 тасида етакчилар яширин овоз бериш йўли билан сайланди. 2 664 та ташкилотнинг касаба уюшмаси қўмитасида янги раислар иш бошладилар.

Бугун ўқиб-ўрганаман, ўз устимда ишлайман, бирон-бир иш ёки касб-хунарнинг этагини тутаман деган одамга ҳеч қандай тўсиқ ва гов йўқ, аксинча, барча шарт-шароитлар етарли. Назаримда, фақат ожиз инсонгина бошига тушган синов ва машаққатлардан нолиб, унда ҳаётни айблайди. Бу адолатдан эмас, албатта. Чунки ҳар кимнинг турмуш тарзи унинг саъй-ҳаракати, ниятига боғлиқ. Ахир, бунда тадбир қилар, тақдир Аллоҳдан, деб бежиз айтишмаган.

ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

Агар ҳар бир шахс ёшлик чоғиданоқ ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, астойдил таълим олса, шубҳасиз, муродига етади. Шу асно келажакка пойдевор қўйилади.

Бахтнинг қарангли, бугун илми толибларни қўллаб-қувватлаш учун стипендия ва турли грантлар ажратилапти. Бу йил мен ҳам Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгаши стипендианти бўлдим. Мазкур соврин билим олишга интилаётган, аммо ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ёшлар учун катта рағбат бўлмоқда.

Талабаларга моддий қўллов сув билан ҳаводек зарур. Уларга берилаётган бундай эътибор ва имкониятлар, албатта, ўз мевасини беради. Биз билим чўққиларини забт этиб, келажакда мамлакатимиз қорига яраймиз.

Кўнглида бир олам орзу-ҳаваслар билан катта ҳаётга қадам қўяётган бир инсон сифатида ўзимга билдирилган ишончнинг оқлаш учун астойдил ҳаракат қиламан. Талаба-ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган ташкилот раҳбарлари, жумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига чўққур миннатдорчилик билдираман.

Мадина ЭШОНҚУЛОВА,
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети талабаси

ТАДБИР

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашини таъминлаш бугунги сиёсатимизнинг асосий мақсадига айланган. Ҳар бир фуқаронинг қонуний манфаатини таъминлаш, аиникса, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўлида кенг қўламли ислохотлар олиб борилаётгани сўзимизнинг исботидир. Ҳуқуқий онг ва саводхонликни оширишда эса илмий-маърифий нашрларнинг роли катта. «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналини ҳам ана шундай оммавий ахборот воситалари қаторига қўшиш мумкин.



16 апрель куни журналнинг 2025 йилдаги биринчи сони тақдимоти бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқшунослик, сиёсий фанлар, фалсафа ва социология соҳаларида фаолият юритаётган профессорлар, докторантлар, мустақил тадқиқотчилар, журналистлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар журналнинг ушбу сонидан ўрин олган илмий мақолалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирди. Аиникса, профессор Омон Оқоловнинг «Сунъий интеллектнинг ижтимоий мақоми ва ҳуқуқий режими шаклланишининг истиқболлари» номли мақоласи баҳс-мунозаралар асосида таҳлил қилинди. Таъкидланганидек, сунъий интеллект келажакда инсоният учун катта хавф тугдирди. Қўллаб касблар йўқолиб кетиши оқибатида миллионлаб одамлар ишсиз қолиши мумкин.

– Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда бундай мақолаларнинг ўрни бекиёс, – деди юридик фанлар доктори, профессор Ҳалим БОБОЕВ. – Бу нафақат шахс учун, балки жамият, давлат учун ҳам фойдали. Умуман, журнални варақлаб, янги сониди жуда долзарб муаммолар кўтарилганига амин бўлдим. Тадқиқотчи-изланувчилар орасида ёшлар кўпчилиги мени жуда қувонтирди. Очиги, уларга ҳавасим келди. Бизнинг ёшлик пайтимизда илмий иш қилишининг ўзи бўлмасди. Диплом ҳимояси учун ёзилган илмий ишлар Москвага жўнатилиб, рухсат олинарди. Бу-

гун эса ёшлар ўз она тилимизда эмин-эркин илмий иш ёзишапти. «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журнали инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий ва халққаро амалиёт, халққаро нормалар, қўнунчиликдаги янгиликлар ҳамда долзарб масалаларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир. У 1999 йил 28 январда оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтган ва шу йили илк сони нашр этилган. Аини вақтда журнал ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилмоқда.

Журнал Олий аттестация комиссиясининг сиёсий фанлар, ҳуқуқшунослик, фалсафа, тарих, исломшунослик ва социология соҳалари бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижодий жамоанинг меҳнатлари муносиб эътироф этилиб, 2024 йилда «Оп-

тин қалам» миллий мукофотининг «Инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳаётимиз билан боғлиқ долзарб мавзулардаги материаллар учун» номинацияси бўйича голиб деб топилди. Бу эса журнал нафақат илмий, балки маърифий ва ахборот соҳасида ҳам муносиб ўрин эгаллаб келаётганидан далолатдир.

Бир сўз билан айтганда, «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журнали бугунги кунда фақатгина оддий бир нашр эмас, билим, фикр, таъриб ва ҳуқуқий онг майдони ҳам ҳисобланади. Зеро, у инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илмий салоҳиятни намоён этишга, кенг жамоатчиликни ҳабардор қилишга, ёш тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда демократик жараёнларни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўлмоқда.

Феруза РАҲИМОВА,
Қувончбек Тўраев «Ishonch» мухбирлари



■ МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

ТАРТИБ ВА МЕЪЁР БУЗИЛМАСИН

Муносиб меҳнат Концепцияси мақсадлари орасида иш вақтидаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Аммо кейинги тўрт йилда хавфсиз ва кафолатланган иш ўринлари яратилишида белгиланган мезонлардан четга огишлар кузатишмоқда. Ачинарлиси, зарур чора-тадбирлар кўрилатганига қарамадан, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар камаймаяпти. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг расмий маълумотларига кўра, ўтган йили меҳнат жараёнида жароҳатланишга оид 868 та ҳолат қайд этилиб, 261 таси ўлим билан тугаган. Бахтсиз ҳодисаларнинг 797 таси касаб ва уюшмаларига аъзо бўлмаган ташкилотлар ҳисобига тўғри келган.

– Вилоятимиздаги касаб ва уюшмаларига аъзо 3347 та ташкилотда 3611 нафар меҳнатни муҳофаза қилиш вакили фаолият юритмоқда, – дейди Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси Ориф Мизомов. – Улар томонидан жамоатчилик ўрғануви асосида 14326 ҳолатда меҳнат қондалари ва меъёрлари бузилгани аниқланиб, ўз вақтида бартараф этилди.

Бевосита ишлаб чиқариш билан банд 11297 нафар хотин-қизнинг меҳнат шариоити ўрганилганда, уларнинг 131 нафари зарарли, хавфли омиллар таъсирида ишлаб келаётгани маълум бўлди. Касаб ва уюшмалари аралашуви билан уларнинг барчаси махсус кийим, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари, даволаш-профилактика озик-овқатлари билан таъминланди. Шунингдек, меҳнат шариоити нуқолай, тунги пайтларда ишловчи, транспорт ҳаракатига боғлиқ юмушлар билан шугулланиб келаётган 51681 нафар ходимга ҳам етарлича меҳнат ва дам олиш шариоитлари яратилишига эришилди.

ТАДБИРЛАР КЎП, АММО...

Самарқанддаги корхоналарда ҳам ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар бот-бот такрорланяпти. Хусусан, кейинги тўрт йилда иш жараёнида жароҳат олиш кўрсаткичи ўртача 26-28 тадан камайганича йўқ. Гарчи касаб ва уюшмалари тизими корхоналарида бахтсиз ҳодисалар умумий кўрсаткичдан салкам икки баробарга озайган бўлса-да, тасодифлар оқибатидан куту-

либ бўлингани йўқ. Масалан, бултур касаб ва уюшмаларига аъзо корхоналарда 9 та ҳолатда бахтсиз ҳодиса қайд этилиб, 6 таси ўлимга сабаб бўлган.

– Жабрланувчиларга иш берувчилар тўлайдиган тоvon пуллари ундирилишини назоратга олганмиз, – дейди Федерациянинг Самарқанд вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори Усмон Каримов. – Бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ фалокатга учраган ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига 374 миллион 992 минг 518 сўм миқдоридида бир марта тўланиши лозим бўлган нафақа пуллари ундириб берилди. Боқувчисини йўқотган бир оилага ойма-ой бир миллион сўмдан зиёд тоvon пуллари тўлаб борилишига эришилди.

Таҳлиллар бахтсиз ҳодисалар илдиизи анча чуқурлигини кўрсатяпти. Ишлаб чиқариш жабҳаларида, айниқса, қурилишда хавфсиз меҳнат бўйича ходимларни ўқитиш ва йўриқлар бериш йўлга қўйилмаган. Ишни бажариш устидан қатъий назорат йўқ. Шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, меҳнат хавфсизлигининг олди қоидаларига риоя этмаслик, жабрланувчининг эҳтиётсизлиги турли кўнгилсизликларга доялик қилмоқда.

СУҒУРТА КАФОЛАТМИ ЁКИ ҚИЛМО?

Мамлакатимизда суғурта соҳасини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган. Мижозларга тўланаётган суғурта қопламаси ҳажми ривожланган давлатлардаги даражада бўлмаса-да, ишончли тизим ишлаб чиқилган. Аммо аксарият иш берувчиларда бу кафолатни англамаслик ҳолати мавжуд.

– Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашга оид қонун ходимга ғамхўрлик ифодасидир, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб ва уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори Муҳаммад Сатторов. – Қолаверса, меҳнаткашнинг иш чоғида майиб бўлиб қолиши ёки касб касаллигига чалиниши ҳолатида харажатлар қопланиши ходимга лозим даражада ёрдам кўрсатилиши кафолатидир. Аслини олганда, мажбурий суғурта шартномаси мажбурий тартибда тузиладиган шартномалар тоифасига кирса-да, бу тартибга амал қилмаётганлар кўп.

Дарвоқе, ўрганишларда вилоятдаги касаб ва уюшмаларига аъзо бўлмаган кўплаб ташкилотларда мажбурий суғурта шартномасини имзоламаслик одат тусини олган. Ўтган йили кузда касаб ва уюшмалари билан ҳамкорлик ўрнатмаган корхона ходими ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолатда вафот этди. Бу жараёнга фаолияти давомидида дуч келмаган бошлиқ минг таассуфда.

– 2023 йилда иш берувчининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномасини имзолаб, 2 миллион миқдоридида маблағ ўтказдик, – дейди у. – 2024 йилда ушбу шартномани имзолашимизга 5 миллион сўм кетишини эшитиб «қаттиқ»лигимиз тугди. Жуда қиммат экан, дея шартномани имзолашни пайсалга солиб юриб, у эсимиздан чиқиб кетибди. Бахтсиз ҳодисага учраган ходимнинг барча маъракалари харажати кўтардик. Барибир, қонун олдида жавоб беришимизга тўғри келди. Суд орқали ходимнинг оиласига юз миллион сўмдан зиёд миқдорда бир йўла тўланадиган тоvon пули беришимиз, боқувчисини йўқотган фарзанди учун ойма-ой тўловни амалга оширишимиз зарурлиги белгиланди. Бу маблағларнинг ҳаммаси корхонамиз ахли ишлаб топан фойда ҳисобидан бўляпти. Тўғри, бир инсон ҳаётдан бевақт кўз юмди. Оиласи мусибатда қолди. Унга ёрдам кўрсатиш ҳам қарз, ҳам фарз. Аммо, айтмоқчи бўлганим, беш миллион сўмга қилган «зиқна-лигимиз» кўпчилик ишлаб келаётганлар гарданига тушди. Агар қонунга итоат қилганимизда барча сарф-



харажатлар суғурта идоралари томонидан қопланарди. Бу хатони энди такрорламаймиз.

Бундай ҳолат ўнлаб ташкилотларда учраяпти. Корхонанинг иқтисоди бақувват бўлса-ку, майли... Аксинча ҳолда-чи?!

Самарқандда касаб ва уюшмалари ундови билан ўтган йили ташкилот ва корхоналар томонидан мажбурий суғурта учун 772 миллион сўмдан зиёд суғурта шартномалари имзоланган эди. Жорий йилда ҳам бу масалага жиддий эътибор қаратилляпти.



Нурилла ШАМСИЕВ «ISHONCH»

■ ЮРТИМИЗ БЎЙЛАБ

айнан шу ер бўлгандир балки. Эҳтимол, қишлоқда хунармандчилик билан шугулланиш урфа айлиниб, уларнинг савдо расталари, устахоналари узоқ йиллар фаолият юритган ва айнан Дуюлтепа остида харабаларга айлангандир. Балки бу қишлоқда милоддан аввалги даврларнинг ҳам сир-синоатлари яшириниб ётгандир.

– Яккабоғ туманида 195 та археологик объект мавжуд, – дейди вилоят Маданий мерос бошқармаси мутахассиси Дилбар Турдимуронова. – Улардан бор-йўғи 10 га яқинида ўрганиш ишлари олиб борилган, холос. Айни вақтгача тумандан топилаётган қадимий осори атиқалар ва ашёлар Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида музейларга жўнатилган. Дуюлтепа ҳам ўрганилмай ётган ёдгорликлардан бири. Бу ердан бир неча йиллар аввал Будданинг 20 сантиметрлик ҳайкалчаси ҳам топилган эди. Ҳозир Қарши шаҳридаги музейда сақланмоқда. Шундан билиш мумкинки, ушбу ёдгорлик тарихи 2 минг йилларга бориб тақалади. Қолаверса, бу ердан фақат кулчилик буюмлари эмас, жангларда қўлланиладиган, симоб қўйилдиган мосламалар, ишлов берилиб, тўп шаклига келтирилган тошлар, ёғоч буюмлар, тегирилган тошлар ҳам топиляпти. Лекин улар устидан тадқиқотлар ўтказилмай келинмоқда. Биз келажакда археологларни, талабаларни бу ишга жалб этишни режалаштирганимиз.

Зеро, юртимизда ўрганилмаган ёдгорликлар бисёр. Дуюлтепа ҳам тарихшунос олимлар ва археологлар эътиборига тушса ва тадқиқотлар олиб борилса, ўтмишимизнинг қадимий сир-синоатлари, тарихимиз манбалари ва аҳамияти янада бойиб борарди.



Баҳоуддин ХАЛИМОВ «ISHONCH»

■ МУЛОҲАЗА

МЕТРОДАГИ ТИРБАНДЛИКЛАР ҚАЧОН БАРҲАМ ТОПАДИ?



Бир манзилдан иккинчисига етиб олишда транспорт воситалари муҳим ўрин тутаяди. Шу боис бу борада давлатимиз томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда шаҳарлараро йўналишлар бўйича қатнайдиган замонавий, қулайликларга эга автобуслар келтирилди. Натияжада барча вилоятларга қатнаётган фуқароларимиз ва чет эллик сайёҳларга хизмат қилаётган шинам, ташқи кўриниши кўркам автобуслар ҳамда поездлар кўн-гилларга завқ бағишламақда. Масалан, биргина шаҳар ичида харажатланаётган автобуслар воситасида кўрсатилаётган хизматлар сифати хориждагилардан асло қолишмайди. Айниқса, тўлов тизимидаги ислохотлар натижасида бекатларда соатлаб кутиб туришларга барҳам берилиши қувонарли иш бўлди.

Шу ўринда пойтахтимиз чиройига чирой қўшиб турган метро хизматини ҳам алоҳида тилга олиш лозим. 1977 йилда фойдаланишга топширилган бу метро ўтган давр мобайнида дунёдаги энг тезкор, тоза, чиройли ва қулай жамоат транспортларидан бири деб эътироф этилган. Кейинги пайтларда эса унда янги йўналишлар ва янги бекатлар очилди. 2020 йил августидан ҳозирга қадар икки йўналишни боғловчи «Қўйлик – Сергели» ер усти метро йўли ишга туширилгани боис бу транспорт воситасидан ҳар куни фойдаланувчилар сони 600 мингдан ошди.

Албатта, ҳар тўққисда бир айб бўлганидек, ҳар куни эрта тонгдан ярим тунга қадар аҳолига узлуксиз хизмат кўрсатаётган метронинг ҳам баъзи камчиликлари бор. Чунинчи, ундан фойдаланувчилар сони кескин даражада ортаётгани туфайли ишга ҳамда ўқишга бориш ва қайтиш пайтлари бекатларда тирбандликлар вужудга келмоқда. Масалан, мен бир куни соат 18:15 да «Мустақиллик» бекатига тушдим. Сергелига борадиган поезд вагонларига чиқишининг иложи бўлмагани учун уч-тўрттасини ўтказиб юбордим. Оқибатда ярим соатча вақтим зое кетди.

ёшлар ҳам шундай хавотирда эдилар. Бундан ташқари, бекатлар номини эълон қилиб боришдаги тушунарсиз талаффузлар, қарнайлар шовқини ҳам бевозталиқни кучайтирди.

Орадан икки-уч ҳафта ўтгач, яна «Мустақиллик» бекатига тушиб, поезд келишини кутдим. Бир маҳал кўринишидан европаликларга ўхшаган йигирмага яқин сайёҳ пайдо бўлди. Улар Сергели йўналиши бўйича харажатланаётган поезд томон юришди. Йўлбошловчи йигит эса анча хушёр экан, уларни эски вагонларга чиқармаслик учун эътиборини метро безакларига жалб этди. Сал вақт ўтгач, пўлат изларда янги вагонлар кўринди. Йигит дарҳол меҳмонларни унга чиқишга ундади.

Эндиликда метронинг ёруғ, тоза-озода, ўриндиқлари қулай, иситиш ва совитиш тизимлари мукаммал вагонларига кириб ўтирган йўловчи тинч-хотиржам кетиш, ҳатто манзилга етгунча мизғиб олиш имконига ҳам эга. Бу ҳолатни мен кўп кузатганим. Айни чоғда, кулқончин тақиб олиб, кексаларга жой бермасдан кўзига тик қараб кетувчи ёшларни ҳам кўрганман.

Ҳа, бугун замон тезлашди, инсониятнинг дунёқарши ўзгарди. Лекин биз буни рўқча қилиб, умрбоқий миллий қадриятларимиздан воз кечмаслигимиз, ён-атрофимиздагиларга нисбатан ўзаро меҳр-оқибатли бўлишни унутмаслигимиз лозим!



Асрор СУЛҲАЙМОНОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ЯККАБОҒ ТУМАНИДА АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ БИЛАН БОҒЛИҚ КЎПЛАБ ТАРИХИЙ ТЕПАЛИКЛАР МАВЖУД. УЛАРДАН БИРИ ҲОЗИРГИ «ЯНГИҲАЁТ» МАҲАЛЛАСИНИНГ ДУЮЛ ҚИШЛОҒИДА ЖОЙЛАШГАН ДУЮЛТЕПА ЁДГОРЛИГИДИР.

ДУЮЛТЕПАДАГИ

БУДДА ҲАЙКАЛИ ВА ЗАРДУШТ ЧИРОҒИ

ёхуд тарих сир-синоатлари тадқиқот кутмоқда

– Бу тепалик олдинлари баланд эди, атрофида пахта экилар, оналаримиз шу ерда меҳнат қилар, биз, болалар эса унинг устида ўйнаб вақт ўтказардик, – дейди 72 ёшли Ойдин Саодатова. – Кейинчалик одамлар қурилиш қилиш мақсадида тепаликдан тупроқ олиб кета бошлашди. Уша кезларда болалар мунчоқ, кўза синиқлари, ғишт парчаларига ўхшаш нарсаларни топиб олишарди. Мен 9-синфда ўқибётганимда кавлаб олинган жойни текислаб, оғилхона қурдик. Ушанда каттагина бир хум чиқди. Ичига сув солиб қўйса, муздай турарди. Кейинчалик уни қишлоқнинг кайвонилари музейга бердимиз, деб олиб кетишди.



қолди. Қишлоқнинг оддий одамлари бўлганимиз сабабли нима қиларимизни билмай, шошиб қолдик. Ўғилларим шартта қавлашга тушиб кетишди. Кейин кўрсақ, ичи бўш экан. Биздан олдингилар айттарди, бу ерларда муқаддам кулчиликнинг қулбалари бўлган, деб. Балки тўғридир...

Дарвоқе, диққатимизни тортган ва бизни бу қишлоққа етаклаган хушбабар айнан шу тепаликдан топилган, зардуштийлик даврига алоқадор дея тахмин қилинаётган, ўша замон одамларининг мафкураравий қарашларини ифода этадиган миттигина ҳайкалча ва чироқ бўлди. Чироқ тўртбурчак бўлиб, икки қаватдан иборат. Юқорисига олов ёқилган. Пастки қисми тўрт томонида ҳам тешик қолдириб ясалган. Бир томонида эса ҳайкалча সিғадиган жой бор.

Дарвоқе, диққатимизни тортган ва бизни бу қишлоққа етаклаган хушбабар айнан шу тепаликдан топилган, зардуштийлик даврига алоқадор дея тахмин қилинаётган, ўша замон одамларининг мафкураравий қарашларини ифода этадиган миттигина ҳайкалча ва чироқ бўлди. Чироқ тўртбурчак бўлиб, икки қаватдан иборат. Юқорисига олов ёқилган. Пастки қисми тўрт томонида ҳам тешик қолдириб ясалган. Бир томонида эса ҳайкалча সিғадиган жой бор.

– Биз бу топилма шамчироқ деган тўхтамага келиб турибмиз, – дейди қишлоқдаги 44-умумтаъ-

Айни пайтда тепаликнинг бир қисми қолган, холос. Маҳаллий аҳоли тупроқ олинавериш, очилиб қолган ерларни текислаб, ҳовли-жой қуриб олган.

Тепаликнинг шундоққина биқинида Норбуви Раҳимова фарзандлари, неваралари билан истиқомат қилади. Унинг айтишича, бу ерни ҳовли-жой қилганига 40 йиллар бўлган. Уйда битта хум ерга қумилган ҳолича турибди.



АҚШнинг Яманга ҳаво ҳужуми

АҚШ қуролли кучлари томонидан Рас-Иса нефть портига қилинган ҳаво зарбаси натижасида 33 киши ҳалок бўлган, 80 киши яраланган.

Порт Яманнинг Ҳодейда шаҳри шимоли-ғарбида жойлашган бўлиб, радикал «Ансоруллоҳ» (хусийлар) ҳаракати назорати остида эди. Шу муносабат билан АҚШ марказий қўмондонлиги (CENTCOM) Х ижтимоий тармоғида баёнот билан чиқди. «Ушбу зарбалар ўз ҳамюртларини эксплуатация қилиб, азоблаётган ҳусийларнинг иқтисодий манбаларини заифлаштириш мақсадида амалга оширилди. У хусийлар ҳокимиятини ағдариб, тинч ҳаёт кечиришни истаётган Яман халқига қаратилган эмас», дейилади баёнотда. Порт хусийлар томонидан нефть олиб кириш ва фойда кўриш учун назорат қилинаётган асосий логистика марказларидан бири бўлган.

Парижда «Украинада тинчлик учун» муҳокамаси


АҚШ, Европа Иттифоқи ва Украина вакиллари 17 апрель куни Парижда учрашув ўтказишди, дея хабар берди АҚШ Давлат департаменти. Учрашувда Вашингтон таклиф қилган тинчлик «контурлари» ижобий баҳоланди.



«Барча тарафларга барқарор тинчликка олиб борувчи умумий концепция тақдим этилди», дейилади баёнотда. «Европа – (Буюк Британия, Германия, Франция) музокарапар столида. Парижда бошланган жараён умид бахш этяпти. Муҳими, биз Парижда европаликлар ҳам иштирок этаётган ижобий жараённи бошладик», деган Франция Президенти Макроннинг маслаҳатчиси. У, шунингдек, келаси ҳафтада музокарапарнинг янги босқичи Лондонда ўтказилиши режалаштирилганини ҳам таъкидлаган.

Путин Эрон ташқи ишлар вазирини қабул қилди

Россия Президенти Владимир Путин Кремлда Эрон ташқи ишлар вазири Аббас Ароқчи билан учрашди. Ароқчининг Москвага ташрифи доирасида икки томонлама муносабатлар, минтақавий ҳамкорлик, халқаро майдондаги муносабатлар муҳокама қилинмоқда.



Шунингдек, катта эҳтимол билан Техрон ва Вашингтон ўртасидаги ядровий музокарапар бора-бора масалалар ҳам муҳокама этилган. Ароқчи Путинга Олий раҳбар Али Ҳоманайнинг шахсий номасини ҳам етказган.

АҚШ Суриядаги ҳарбий контингентни қисқартирмоқчи

The New York Times нашри маълумотига кўра, АҚШ Суриянинг шимоли-шарқидagi учта ҳарбий базани ёпишни бошлади. Контингент сони 2000 нафардан 1400 нафаргача қисқарди.



Mission Support Site Green Village, MSS Euphrates ва яна бир кичик база ёпиляпти. 60 кундан сўнг қўмондонлар қолган кучларни ҳам камайтириш имконини кўриб чиқади. Ҳарбийлар Сурияда камиди 500 аскарни қолдиришни тавсия қилган. Дайр-аз-Зордаги базаларда жойлашган АҚШ аскарлари ва ҳарбий техникалари босқичма-босқич Ироқ Курдистонидаги АҚШ базасига кўчирилаётгани айтилмоқда.

НАТО ТИВ раҳбарлари Антальяда учрашади

НАТО матбуот хизмати хабарига кўра, 14-15 май кунлари Туркиянинг Анталья шаҳрида НАТО ташқи ишлар вазирларининг норасмий учрашуви бўлиб ўтади.

Учрашувга ташкилотнинг янги бош котиби Марк Рютте раислик қилади. Ҳозирча учрашув кун тартибидagi масалалар юзасидан аниқ маълумот берилмаган бўлса-да, Брюсселдаги 3-4 апрель йиғилишида июлда бўлиб ўтадиган Нидерландия саммити олдиндан ҳарбий харажатларни 2 фоиздан 5 фоизга ошириш режаси бўйича Украинага яна қурол етказиб бериш масалалари муҳокама қилиниши кутилаётгани айтилган эди.



Оламгир ОТАЁРОВ тайёрлади



Бобур шаҳри васрида

Ҳар ишнинг ўз вақт-соати, даври бор, Бу дунёда энди Бобур шаҳри бор.

Бобур, яъни Заҳрирiddин Муҳаммад, Энг олий шон – она юртга муҳаббат.

Яхши-ёмон кечган ҳар ишдан огоҳ, Шаҳрингизга хуш келибсиз, Бобуршоҳ!

Сизни буюк мусофир деб айтганлар, Ортингиздан қолмиш айтиб «аттанг»лар.

Анджонни анда жонга тор этган, Ўз юртида ўз юртига зор этган.

Салтанатнинг тўнин кийган – шод ўлмас, Бунда ором, бунда ҳаловат бўлмас.

Темурийлар сулоласин қўл қарси, Сиз энг ёвуқ, Сиз энг кенжа йўлбарси.

Умрингизнинг ҳар они, ҳар дамида – Юргангиз кескир қилч дамида.

Не деб кутлар эди Умаршайх Мирзо? Ота ризо, демак, Худо ҳам ризо.

Ўз уйингиз, ўз сувингиз, наҳрингиз, Олампаҳоқ, кутлуғ бўлсин шаҳрингиз!

Даҳри дуннинг бағрин доим тош кўрдим, Кўзингизда ғилтиллаган ёш кўрдим.

Бу гапларни мен айтмадим атайин, Аввал айтган ташбехимга қайтайин:

Юз оҳ, Бобур, юз оҳ, Бобур, оҳ Бобур, Подшоҳлар ҳам йилгаркан-да, воҳ Бобур!

Ярми Ҳинду, ярим кўнали Афғонда, Бутун умри кечмиш дарду армонда.

Тескаридан ўқилса: Бобур – рубоб, Бу рубобнинг чалган куйи ранж, азоб...

Буеун Сизни кутлар аҳли Анджон, Янги замон қурганларга шараф-шон!

Кўкка қараб қатор-қатор чўзмиш бўй, Янги уйда кутлуғ байрам, янги тўй.

Мактаб борар ораста ҳам озода, Ҳар ўғил-қиз хонзода ҳам шаҳзода.

Комрон билан Хумоюнни чорлангиз, Навкарларни қўш ёндан қаторлангиз.

Беш юз йиллар кечмиш, сезгум баногоҳ, Шаҳрингизга хуш келдингиз, Бобуршоҳ!

Ҳар қосиб, ҳар деҳқон, ҳар чўпонгача, Хўжанддан то Испону Ёпонгача –

Бу хушхабар алқаб давру замонни, Овозаси тутди рўйи жаҳонни.



Сирожиддин САЙИД, Ўзбекистон халқ шоири

Анджоннинг аэропорти кўп кўркам, Ҳавасларим келар боқиб, жон ўлкам.

Ярқираган «Боинг»ларга бандаргоҳ – Шаҳрингизга хуш келдингиз, Бобуршоҳ!

«Бобурнома» айна обу тобида, Бу бир мангу емирилмас обида.

Худди шундай бунёд бўлмиш устувор, Демак, давлат пойдор, Ватан ҳам пойдор.

Ҳали бунда тўшалгай пўлат излар, Чин-Мочиндан келар ҳали поездлар.

Оламда бор йўллар раво бўлгуси, Бутун дунё дориламон бўлгуси.

Насим эсса ижодкорлар боғидан – Асар қолмас дарду ҳижрон доғидан.

Худойимнинг Ўзи аввал мададкор, Элу юртнинг зеаси Бош бунёдкор.

Иншооллоҳ, адаб шаҳри бўлгайдир, Илму ирфон, мактаб шаҳри бўлгайдир.

«Боги Бехишт» каби об-ҳаволари, Ўсвай бунда келажак даҳолари.

Бир шаҳарким, бағри очик, қадрдон, Бино бўлмиш инсон меҳру қадрдан.

Бу эъзозлар, бу олий эҳтиромлар, Келажак минг йилларгадир саломлар.

Обод Ватан осмонлардан тушмайди – Ватан бедор Раҳнамога ўхшайди.

Тарих гувоҳ, замон гувоҳ, эл гувоҳ – Бизнинг улуғ ишлардан олам огоҳ.

Юз минг орзу-умидларнинг бағридир, Бу матонат ва шижоат шаҳридир.

15-18.04.2025 й.



Азиз газетхон! Мароқли дам олинг!



Шерали Жўраев ижросида «АНДА ЖОНИМ ҚОЛДИ» кўшиғи

Падаринми ютиб кетган жарда жоним қолди менинг, Қалбим торин чертиб кетган ерда жоним қолди менинг, Қалам бирлан шамшир тутган ерда жоним қолди менинг, Шабобликда шабгир этган анда жоним қолди менинг, Анда жоним олиб қолган Андижоним қолди менинг.

Наргиза МАҲКАМОВА

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYUK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»). Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43, Marketing va obuna – (71) 256-87-73. Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20, Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23, Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31, Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12, Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34, Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66, Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26, Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55, Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70, Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44, Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: A. Haydarov. Musahhah: D. Xudoyberganova. Sahifalovchi: H. Abdujalilov. Bosishga topshirish vaqti – 21:00, Topshirildi – 21:20. Bahosi kelishilgan narxda. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch.1991@yandex.uz. Nashr ko'rsatkichi: 133. Gazetaning poligrafik jihatdan sifatlari chop etilishiga boshmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 62 448 ta. Shundan: 6 257 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda; 18 276 nusxasi «Eradit» MCHJ boshmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 7 915 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ boshmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-411. 1 2 3 4 5 6